

Бунёдкорлик салоҳиятимизнинг амалий ифодаси



Президент Шавкат Мирзиёев 10 август кuni Тошкент шахрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Пойтахтимиз Тошкент тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, узққни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Мухташам иншоотлар, илм-фан масканлари, тураржойлар, ижтимоий объектлар, йўл ва кўприклар, сўлим боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрди.

Президентимиз бу ерга 2020 йил октябрда келган, институт негизида қурилиш кластери ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг ажратилган майдон кенгайтирилиб, янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Аввало, институт учун иккита 5 қаватли ўқув корпуси, 8 қаватли маъмурий бино барпо этилди. Қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази, лабораториялар, спорт мажмуаси, ётоқхона шу ерга жойлаштирилди. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ушбу бунёдкорлик ишлари, таълим масканининг фаолияти билан танишди.

Институтда 4 та факультет ва 23 та кафедра бор. Бакалавриятда 22 та, магистратурада 25 та мутахассислик бўйича таълим берилмоқда. Замон талабларидан келиб чиқиб, “ақли” уйлар ва шахарлар инфратузилмасини лойиҳалаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, иншоотлар зилзилабардошлиги каби йўналишлар дастурга киритилган.

Янги бинолар фойдаланишга топширилиши билан таълим қамрови ва сифати ошади. 2022/2023 ўқув йили учун 1 минг 600 дан зиёд квота ажратилган. Улар билан жами талабалар сони 7 минг 500 нафардан ортади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда талабалар, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

— Биз қайси соҳани ислоҳ қилишга киришсак, аввал мактаб яратишдан, кадрлар тайёрлашдан бошляемиз. Бу институт ҳам келгусидаги бунёдкорлик ишларига замин бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис ўқув дастурлари замон билан ҳамқадам бўлиши зарурлиги таъкидланди.

— Бугун қурилиш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётидаги драйверлардан бири. Ҳамма жойда қурилишлар бўляпти, турли материаллар ишлаб чиқариляпти. Лекин беш йилдан кейин бугунги билим камлик қилади. Шунинг учун доим изланишда бўлишингиз, ўзингизга инвестиция қилишингиз керак. Бу инвестиция нима? Касбни мукаммал эгаллаш, тил ўрганиш, ишлаб, тажриба тўплаш, — деди Президент.

Мулоқотда талабалар институтда яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берди, мақсадлари ва тақлифларини билдирди.

Давлатимиз раҳбари уларнинг тақлифларини қўлаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Талабаларнинг амалиётини лойиҳа институтлари ва қурилиш компанияларида ташкил этиш, илмий ишларига бюортмалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йил 6 июль кuni қурилиш ва шахарсозлик бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президент кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида тўхталиб, соҳадаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш, уларга академик ва молиявий мустақиллик бериш зарурлигини айтган эди.

Шунга мувофиқ, институтнинг ташкилий-бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бошланган. Уни муҳандислик, архитектура, қурилиш ва қурилиш материаллари технологиялари, рақамли қурилиш йўналишларига ихтисослаштириш мўлжалланган. Бу йилдан “Рақамли Университет” тизимини жорий этиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб, кириш имтиҳонларини халқаро стандартлар асосида йилига икки марта ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БУТУНЖАҲОН 44-ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБЛАРИ ВА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистон шон-шухратини бутун дунёга тараннум этиш йўлида ўзининг юксак интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намойён этиб, Ҳиндистоннинг Ченнай шахрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида муваффақиятли иштирок этгани ва дунё давлатларининг 188 та жамоаси орасида ғолибликни қўлга киритиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлгани, шунингдек, республикамызда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий гурур, мардлик ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

Абдусатторов Нодирбек Фазлиддин ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Вахидов Жахонгир Таирович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Воҳидов Шамсиддин Пулат ўғли — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Синдаров Жавоҳир Санжарбекович — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Якуббоев Нилуфар Муродбек кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Егин Владимир Николаевич — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси
Соколов Иван — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

«Келажак бунёдкори» медали билан

Бобомуродова Мафтуна Панжиевна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Маликова Маржона Абдимажид кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Омонова Умида Шухрат кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Хамдамова Афруза Акбаровна — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Якуббоев Нилуфар Муродбек кизи — Шахмат бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

ЧЕМПИОНЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

Икки ҳафта мобайнида Ҳиндистоннинг Ченнай шахрида бўлиб ўтган шахмат бўйича Бутунжаҳон олимпиадасида ғолиб бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бугун юртимизга қайтиб келишди. Олимпиада қаҳрамонлари ва уларнинг мураббийларидан иборат делегация пойтахтимиздаги Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали тарзда кутиб олинди.

Ифтихор



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

10 август кuni Тошкент шахрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенат аъзолари, суд ва прокуратура органларининг вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Дастлаб сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимномани муҳокама қилди.

➡ 2



Кутиб олиш маросимида Спортни ривожлантириш вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси мутасаддилари, чемпионларнинг яқинлари, мухлислар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахмат бўйича

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири, сенатор Маҳмуд Тоир сўзга чиқиб, ушбу ғалабанинг тарихий аҳамияти, мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси нақадар ҳаётбахш

Сирожиiddн ВОҲИДОВ олган суратлар.

бўлаётганини эътироф этди. Маросимда спортчиларимиз номида шахмат бўйича Олимпиада чемпиони Нодирбек Абдусатторов сўзга чиқиб, Президентимиз ва халқимизнинг ишончи, қўллови ўз ғалабаларига туртки бўлганини таъкидлади.

➡ 2

«Ҳукумат соати»

ДЕПУТАТЛАР ВАЗИРНИНГ ЖАВОБЛАРИДАН ҚОНИҚДИМИ?

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги «Ҳукумат соати» бўлиб ўтди.

Унда депутатлар “Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шу жумладан, соҳага ажратилган маблағлардан оқилона фойдаланиш, олис ва чекка ҳудудларда тиббиёт пунктларини ташкил этиш ҳамда уларни кадрлар билан таъминлаш бўйича қўрилаётган чоралар тўғрисида”ги масалани муҳокама қилди.

Кун тартибидagi ушбу масала юзасидан депутатларнинг саволларига соғлиқни сақлаш вазири Б. Мусаев жавоб берди. Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

➡ 2

■ Муносабат

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЮКСАКЛИККА КЎТАРАДИ

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жорий йил 1 августда якунланди. Мазкур қонун лойиҳаси юзасидан давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида кенг қўллами муҳокамалар ўтказилди.

Эътиборлиси, мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларга ҳорижий эксперт ва мутахассислар ҳам бефарқ бўлмади.

➡ 4

Бунёдкорлик салоҳиятимизнинг амалий ифодаси

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Юнусобод туманидаги Собиробод маҳалласига борди.

Бу ерда 10 мингга яқин аҳоли яшайди. Маҳаллабай тизим натижа-сида ижтимоий муҳим масалалар ҳал этилмоқда. Кўп қаватли уйларнинг қиёфаси янгиланди, йўлаклари, комму-никация тармоқлари таъмирланди.

Маҳалла худудидан ўтувчи Юқори Қорақамиш канали атрофи илгари қаровсиз, кўримсиз жой эди. Энди-ликда ободонлаштирилиб, сўлим қиёбонга айлантирилди. Гиёдалар учун кўприқлар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари, велосипед йўлаги, фаввора барпо этилди. Ўриндиқлар, шахмат столи, чархпалак ўратилди. Дарахтлар экилиб, чимлар ётқизил-ди. Канал атрофидаги худудда 300 метр узунликдаги ишқомлар ўрна-тилиб, узумлар экилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ша-роитларни кўздан кечирди. Маҳал-

ла фаоллари, нурунийлар билан суҳбатлашди.

— Ҳозир маҳалла фаоллари катта бир команда бўлди. Раиснинг ёнида ўринбосарлари, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, профилактика нози-ри бор. Бўлгандаям, ойлиги, шарои-ти, ваколоти билан бор. Энди шун-дай муносабатга жавобан масъулият ҳам бўлиши керак. Жамиятдаги ўзгаришларда маҳалла ташаббусдор, халққа елкадош бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Собиробод маҳалласининг “ўсиш нуктаси” — тадбиркорлик. Бу ерда ўнлаб субъектлар — ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий клиникалар, озиқ-овқат дўконлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай иш-лар бошқа маҳаллаларда ҳам йўлга қўйилган.

Шу ерда Бош вазир ўринбосарла-ри маҳалла фаоллари олдида Юнусобод туманига қанча инвести-ция жалб этилиши, қанча иш ўрни

яратилиши бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод ту-манида ташкил этилган Ипотека мар-казини ҳам бориб кўрди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш доим муҳим масала. Давлат ва хусусий сектор томонидан қўлаб уйлар қури-лаётгани бунга имконият яратмоқда. Уларни сотиб олиш учун кўмаклашиш мақсадида ипотека кредитлари так-лиф этилмоқда. Лекин бу борадаги имконият ва тартиблардан ҳамма ҳам хабардор эмас.

Масалан, жорий йилда ипотека кре-дитлари учун тижорат банкларига бюджетдан 13 триллион сўм ажрати-лиши кўзда тутилган. Лекин олти ойда аҳолига бу маблағларнинг 30 фоизи берилган ҳолос.

Шу боис Президентимиз 6 июль кuni ўтказилган видеоселектор ййги-лишида бу борада бюрократияни ка-майитириш, аҳолига комплекс хизмат кўрсатадиган ипотека марказлари ташкил қилиш зарурлигини айтган эди. Биринчи шундай марказ пойтахти-

мизда иш бошлади. Бу ерда ипотека бозоридаги таклифлар умумлашган ва шаффоф тизим йўлга қўйилган. Таш-риф бурувчиларга Тошкент шаҳри-да қурилаётган уйлар, уларга хизмат кўрсатадиган банклар, ипотека кре-дитлари шартлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Олди-сотди, гаров ва ипотека кредити шартнома-ларини расмийлаштириш тартиби, уй-жойга бўлган ҳуқуқни давлат рўйха-тидан ўтказиш масалаларида ҳам ёрдамлашилади. Энг муҳими, барча хизматлар бир жойда кўрсатилади.

— Халқимиз турмушини яхшилаш учун қанча қарорлар чиқяпти, қулай-ликлар яратиляпти. Лекин кўпчилик бундан тўла хабардор эмас. Билган-лар ҳам қаерга боришни билмай, ово-ра бўлади. Бу марказ уй олишни истаганларга комплекс хизмат кўрсатиб, оғирини енгил қилади. Энди марказнинг электрон платформала-рини ривожлантириб, одамларга яна-да қулайлик яратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари минглаб одамлар томорқа учун ипотекадан фойдалана олмаётганига эътибор қаратиб, мутасаддиларга бу бўйича кўрсатмалар берди.

— Томорқа ипотекасини жорий қилиш керак. Томорқа ипотекаси бу халқ ипотекаси бўлади, — деди Президент.

Марказда қурилиш ва девелопер компаниялари ўз офисларини ташкил этган. Харидорлар учун барча ша-роитлар яратилган.

Тошкент ипотека маркази барчага — ер участкаларини сотиб олишни истаган тадбиркорларга, девелопер-лик компанияларига ҳамда ипотека кредити асосида ҳонадон сотиб олиш-ни истаган жисмоний шахсларга жуда фойдали платформага айланади. Бу каби лойиҳаларнинг қўлаб-қувватла-ниши эса соҳадаги қўлаб масала-ларнинг ҳал этилишига асос бўлади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

ЧЕМПИОНЛАР ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

◀ — Давлатимиз раҳбарининг шахматни ривожлантиришга, ёшлар-ни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш-га қаратаётган эътибори бизга кучли далда бер-ди, — дейди Н. Абдусатторов. — 188 мамлакат орасида зафар қўчишимиз ана шу эътиборнинг юксак натижаси, деб биламиз. Айниқса, Президентимизнинг жамоамиз аъзоларига қўнғорқ қилиб, табрик билдиришларидан бошимиз кўкка етди. Бу бизни навбатдаги халқроқ мусобақаларда ҳам муносиб иштироқ этишга ундайди.

Шундан сўнг Бутунжаҳон шахмат олимпиа-даси чемпионларини тақдирлаш маросими ўтқа-зилди. Янги Ўзбекистон шон-шўҳратини бутун дунёга тараннум қилиш йўлида ўзининг юксак

интеллектуал салоҳияти ва профессионал маҳоратини яққол намоеън этиб, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон 44-шахмат олимпиадасида муваффақиятли иш-тироқ этгани ва дунё давлатларининг 188 та жамоаси орасида голибликни кўлга киритиб, Олимпиада чемпиони деган юксак шарафга сав-зор бўлгани, шунингдек, республикамизда спортни кенг оммалаштириш, ёш авлодини она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий гурур, мардлик ва ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш борасидаги улкан хизматлари учун Нодирбек Абдусатторов, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов, Жавоҳир Синдоров ва Нодирбек Ёқуббоевга “Ўзбекистон ифтихори” фахрий

унвони, шахмат бўйича Ўзбекистон миллий тер-ма жамоаси мураббийлари Владимир Егин ва Иван Соколовга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони, хотин-қизлар терма жамоаси аъзолари — Мафтуна Бобомуродова, Маржона Маликова, Умидта Омонова, Афруза Ҳамдамова ва Нилуфар Ёқуббоевага “Келажак бунёдкори” медали топширилди.

Ватан шаънини улуғлаган шахматчиларимизга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — “Equinox” автомобиллари, пул мукофотлари-нинг сертификатлари ҳам тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг табригида айтил-

ганидек, ўзбек шахмат мактабининг шон-шўҳ-ратини юксак босқичга олиб чиққан азму ши-жоатли, ватанпарвар ёшлар энг катта бойлиги-миз, миллатимизнинг “олтин фонди”дир. Ўзе-бистон ёшларининг интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга кўрсатган голиб шахматчилари-мизнинг ёрқин ютуғи энг улуғ, энг азиз байра-мимиз — мамлакатимиз истиқлолининг 31 йил-лик айёмига муносиб тўхфадир, десак, янглиш-маган бўламиз.

Чемпион шахматчиларимизни кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов иштироқ этди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Давра суҳбати

ЁШЛАР — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРАФДОРИ

Спиртли ичимликлар, таркибид
никотин моддаси бўлган махсулотлар,
гиёҳвандлик ва бошқа психофаол
моддалар истеъмоли инсон соғлиги ва
унинг ён-атрофидагилар учун катта
хавф туғдириши маълум.

Дарҳақиқат, шу каби махсулот ва мод-далар истеъмоли таъсирида инсон нима қилаётганини англаб етолмайди. Натижа-да ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бахтсиз ҳоди-салар ҳамда зўравонликлар рўй беради. Бу эса, ўз навбатида, давлат ва жамият-нинг тараққиётига ўзининг салбий таъси-рини кўрсатмасдан қолмайди.

Шу сабаб ҳам республикамизда ана шундай хавфнинг олдини олишга қаратил-ган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ташаббуси билан парламент юқори палатасининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари ҳамда Суд-ҳуқуқ маса-лалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмиталари кўмағида ўтказилган “Ёшлар — соғлом ҳаёт тарафдори” мавзуидаги давра суҳбатид

Тадбирда сенатор ва депутатлар, мута-садди вазирлик ва идоралар ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари-нинг Ёшлар масалалари комиссиялари, Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, БМТнинг Болалар жамғармаси (UNICEF) ва UNODCнинг Ўзбекистондаги ваколат-хоналари вакиллари, халқро экспертлар иштироқ этди.

Давра суҳбатидан қўзланган асосий мақ-сад ўсимлар ва ёшларни психофаол ҳамда гиёҳвандлик воситалари каби таҳдидлар-дан ҳимоялаш, унга қарши курашишда ёшларни кенг жалб этиш, бу борадаги про-филактиканинг янги усулларини йўлга қўйишда ёшларнинг иштирокини таъмин-лаш, илгор жаҳон таърибасини таҳлил қилиш, наркотик моддалар истеъмолининг олдини олиш юзасидан таъсирчан тавсия-ларни ишлаб чиқиш ҳамда ёш авлод вакилларини соғлом турмуш тарзига йўналтиришдан иборатдир.

Анжуманда иштирокчилар томонидан ёшлар профилактика ишларига қандай шаклларда жалб этилаётгани ва эндилик-да яна нималарга эътибор қаратиш ло-зимлиги масаласига алоҳида ургу берил-ди. Негаки, профилактика тадбирлари тўғри йўлга қўйилгандагина, кутилган натижага эришиш мумкин бўлади.

Яқунда муҳокама давомида билдирил-ган фикрлар, таклиф ва тавсиялар умум-лаштирилиб, мутасадди ташкилотларга етказилишга келишиб олинди.

◀«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

2022 йил 11 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀1 Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Камилов саломатлиги туфайли ўз хоҳи-ши билан эгallaб турган лавозимидан озод этишни сўраб мурожаат қилган. Сенат мажлисда бўлиб ўтган муҳока-ма натижасида уни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раислигига номзод муҳокама қилинди.

Муҳокама якунида сенаторлар томонидан суд тизимида ҳамда маъмурий органларда раҳбарлик лавозимларида кўп йиллар мо-байнида ишлаб келган Бахтиёр Джахангирович Исламов Ўзе-бистон Республикаси Олий суди раиси этиб сайланди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституция-вий Қонунига қўра Конституциявий суднинг судьялари белги-ланган муддатга сайланди.

Қайд этилганидек, амалдаги Конституциявий суд таркиби-нинг қонун билан белгиланган амал қилиш муддати жорий йилининг август ойида тугайди. Шу муносабат билан Ўзбекис-тон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган Конституциявий суднинг янги таркиби Сенат ялпи мажлисида кенг муҳокама қилинди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Конституциявий суд судьялигига номзодлар юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди. Бунда янги сайланган таркиб Конституциявий суднинг амалдаги таркиби ўз фаолиятини якунлаганидан сўнг ишга киришиши белгиланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Се-натининг ўттинчи ялпи мажлиси якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

К.Ф.КАМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судьялик ваколати муддатидан илгари тугатилиб, Қозимджан Фазилович **Камилов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси лавозимидан озод этилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Б.Д.ИСЛАМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАИСИ ЛАВОЗИМИГА САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 3-бандига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 70-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бахтиёр Джахангирович **Исламов** судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига, беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимига сайлансин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 2 ва 3-бандига ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 2 ва 3-бандига мувофиқ ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 79-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қозимджан Фазилович **Камилов** беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Кароматжон Худайбергановна **Давлетова** беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимига сайлансин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси лавозимидан озод этилсин.

3. Раҳат Аминбаевич **Исмайлов** беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимига сайлансин ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси лавозимидан озод этилсин.

4. Қўйилмагилар:

Жанангул Исмаиловна **Балкибаева** беш йил муддатга; Абдуқаром Бойисович **Гафуров** ўн йил муддатга; Абдуманноб Кузиевич **Рахимов** беш йил муддатга; Акмал Эргашевич **Раҳманов** беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимига сайлансин.

5. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради. Мазкур қарорнинг 2, 3 ва 4-бандлари 2022 йил 24-августдан эътиборан амалга киритилмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,
2022 йил 10 август

ЭШИТУВ

ЎРГАНИШ ЧОҒИДА АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛДИМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Мактабгача таълим вазирлигининг “Давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган нодавлат боғчалар борасида тизимда олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ва уларнинг самарадорлиги тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун кенг имкониятлар яратди.

Изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотларнинг, аввало, мактабгача таълим ва тарбия соҳасидан бошланиши глобаллашув жараёнида болалар тарбиясида энг асосий бугун ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқўёс эканлигидан далolat беради. Зеро, бугун ийрик шахарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда замонавий боғчалар барпо этилаётир.

Жорий йилнинг 23 — 25 май кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари Сурхондарё вилояти мактабгача таълими тизимида давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган нодавлат боғчалар, тизимда олиб борилаётган амалий чора-тадбирлар ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳолатини ўрганган эди.

Ўрганиш давомида сўнгги беш йилда вилоятда нодавлат МТТга қамраб олинган болаларнинг улushi 2017 йилдаги 0,2 фоизга нисбатан 40,6 фоиз ошishiга эришилгани маълум бўлди. Қолаверса, 191 та давлат-хусусий шериклик битимлари имзоланган бўлиб, шундан 14 минг 385 ўринли 177 тасига 2018 — 2021 йиллар давомида давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан 282,8 млрд. сўм импёзли кредитлар ажратилган.

Фаолиятини бошлаган 151 та давлат-хусусий шериклик ташкилотларининг умумий қуввати 13 минг 200 ўрин бўлиб, уларга 11 минг 533 нафар бола қамраб олинган.

«Халқ сўзи».

«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР

Уларнинг ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Таҳлил

Унда марказий студиядан Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, сенаторлар, комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосарлари, молия, бандлик, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, тижорат банклари бошқармалари бошлиқлари, пойтахт туманлари ҳокимлари, ҳудудий студиялардан эса Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг иқтисодиёт ҳамда оила ва хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари, туман ҳокимлари, вилоят ҳамда туманлар секторлари раҳбарлари, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, Ўзбекистон касаба уюшмаларидан ҳудудларга бириктирилган масъул раҳбарлар қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, Хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди. Дастлаб “аёллар дафтари” тизимининг 3-босқичи доирасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, олдинда турган долзарб вазифалар белгилаб олинди. — Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган “аёллар дафтари” бўйича иш юритиш бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган ноёб услуб бўлиб, бу орқали юртимиз хотин-қизларининг қўллаб муаммолари ҳал этилишига эришилмоқда, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси,

Хусусан, “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касбга ўқитиш, иш билан таъминлаш, кредит олиб бериш ишларини янада жадаллаштириш, белгиланган тартибда бир марталиқ моддий ёрдам бериш кўрсаткичларини яхшилаш, ҳуқуқий-тиббий кўмак ва уй-жойга муҳтожларга амалий ёрдам бериш зарурлиги алоҳида ўқитириб ўтилди. Бу йўналишларда тегишли мутасаддилар олдида аниқ ҳамда манзилли вазифалар қўйилди.

Шу билан бирга, мажлисда “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармасидан унумли фойдаланиш бўйича ҳам тавсиялар берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга жами 41 турдаги хизматларни кўрсатиш назарда тутилган. Шу боис зарур кўмакни, хусусан, моддий ёрдам бериш ишларини мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга ошириш масаласи доимий диққат марказда бўлиши алоҳида қайд этилди.

Вилоятларга бириктирилган мутасаддилар томонидан “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар индивидуал дастурларининг тўғри тўлдирилгани ва уларга кўрсатилган ёрдамларнинг ҳаққонийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилаётгани, шу мақсадда ўтган бир ой давомида дафтардаги 201 минг 323 нафар хотин-қиз билан суҳбатлашилгани таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда яна бир муҳим — кооперация усулидаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва оммалаштириш тўғрисидаги масала қўриб қўйилди.

Таъкидланганидек, йил бошидан бери бу борада тизимли ишлар амалга ошириб келиняпти. Дастлаб жойларга чиқилиб, вилоят секторлари раҳбарлари билан

биргаликда 899 та кооперация бўйича лойиҳалар аниқланди ҳамда ташаббускор тадбиркорлар рўйхати шакллантирилди.

Ўтган вақт давомида ушбу лойиҳаларни чуқур қайта ўрганиб, истиқболли бўлганларини ишга тушириш бўйича сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда тизимли тадбирлар олиб борилди. Шу билан бирга, янги ташаббускорлар аниқланиб, лойиҳалар сони мингтага етказилди.

Тахлилларга кўра, бугунги кунгача 853 та (85 фоиз) лойиҳа ишга туширилиб, 76 минг 575 нафар фуқаро, шундан 55 минг 451 нафар хотин-қиз кооперация асосида иш билан таъминланди.

Йиғилишда барча масъулар олдида кооперация бўйича лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан ишларни янада жадаллаштириш вазифаси қўйилди. Шунингдек, вилоят, туман ҳамда шаҳар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, республикадан бириктирилган вакилларга кооперацияга тааллуқли янги лойиҳаларни жорий этиш билан боғлиқ “йўл хариталари”ни тасдиқлаб, уларни ҳаётга татбиқ қилиш, шунингдек, тўлиқ қувват билан ишга тушмаган лойиҳалар бўйича тадбиркорларга қўшимча амалий ёрдам бериш орқали фаолиятини ривожлантириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни қўриш лозимлиги таъкидланди.

Айтиш жоизки, тахлилий-танқидий муҳокамалар тарзиде ўтказилган видеоселектор йиғилиши давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан инсон қадрини ва манфатларини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган ноёб янги тизимларнинг амалдаги ижросига эришиш борасидаги ишларни янада кучайтириш бўйича мутасаддилар масъулиятини янада ошириди, десак, муболага бўлмайди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР БҲЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БҲЙИЧА КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгаши 2022 йилда бериладиган Давлат мукофотлари танловига қуйидаги ишлар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун қўйилганини маълум қилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотиға:

1. К. Санакулов, Н. П. Снитка, Р. Усманов, У. А. Эргашев, О. М. Мустақимов. Технологик ва ишланиши мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Илмий-амалий ишланим.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илгор технологиялар маркази томонидан тавсия этилган.

2. В. Л. Квинт. Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: “Темур тузуклари”га изохлар. Илмий монография. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Темурийлар тарихи Давлат музейи томонидан тавсия этилган.

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотиға:

1. А. Аъзамов, З. М. Машрабов, В. Раҳмонов, Х. Болтабоев, А. А. Мадрахимов. “Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедияси” асари. Энциклопедия. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган.

2. Н. Ф. Каримов. “Абдулла Қодирий замондошлари” асари. Илмий-оммабоп нашр.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган.

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотиға:

1. Ж. Т. Миртожиев (марҳум). Мустақиллик йилларида ишланган ҳайкалтарошлик асарлари (Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали, Тошкент шаҳридаги Адилбар хиёбонида ўрнатилган атоқли шоир ва ёзувчилар Зулфия, Фафур Ғулом ва Ойбек ҳайкаллари).

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

2. А. М. Аликулов. Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги Қалаба боғи ёдгорлик мажмуасидаги “Шон-шараф” музейида ишланган маҳобатли рангтасвир асарлари.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тавсия этилган.

3. Н. Мухамеддинов. “Гулла-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси, “Айжамал” балети ва “Гулёйим” операси учун ёзилган музикий композициялари.

Ўзбекистон Композиторлари ва бастакорлар уюшмаси томонидан тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгаши илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, қорхона ва ташкилотлар, илмий муассасалар, таълим муассасалари, илмий-техник жамиятлар, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, меъморлар ҳамда кенг жамоатчиликдан муҳокамага қўйилаётган ишлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди.

Барча тақризлар, фикр ва хулосалар, муҳокама натижалари фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-ўй, 317-хона. Тел.: 71-233-59-46, 71-236-77-07.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-ўй, 308-хона. Тел.: 71-244-41-60, 71-244-41-62.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари бўйича кенгаши.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Маҳмуджон Болтабаевга падари бузурқвори

РУСТАМЖОН отанинг

вафоти муносабати билан чуқур тазия изох этади.

Ватанимиз Мустақиллигининг 31 йиллигига

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Таълим тизими комплекс ривожлантирилмоқда.

“Педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралашишга, шунингдек, уларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига монелик қилишга йўл қўйилмайди”.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларда ана шу норманинг акс этгани маънавий-маърифий ҳаётимизда тарихий воқелик бўлди. Буни ҳамма ҳам англамаслиги мумкин, аммо ўқитувчи-педагоглар ушбу жумлалар замирида уларга бўлган катта эътибор ва эъзоз, имконият мужассам эканини жуда яхши ҳис этади.

Бугунги кунда жамиятни ривожлантириш ҳақида гап кетар экан, бу йўлда, аввало, ўқитувчининг моддий шароитини яхшилаш ва обрў-эътиборини ошириш лозимлиги кўп бор таъкидланмоқда.

Ҳўш, нега бу мавзу кун тартибидеги масалага айланди?

Сифат кенг жамоатчиликка ҳам боғлиқ

Таълим ва ўқитувчиларга давлат миқёсида эътибор қаратилаётган бир пайтда бугун ушбу муҳим жабҳага кенг жамоатчилик ҳам ўз муносабатини ўзгартирishi керак.

Эътибор берсак, биз ўзимиз сезмаган ҳолда айрим кусурларга одатланиб қолганмиз. Масалан, сўзловчининг гапини бўлиб, ўз фикрини айта бошлаш, саломга алиқ олмасдан дардини дастурхон қилиш, эшитганларига рўйроост ишониш, энг ёмони, синф хонасига кириб бориб, ўқитувчининг дарсини бўлиш... Бу каби ҳолатларга қанчон одатландик, билмаймиз-у, аммо энди бундай кусурлардан халос бўлиш вақти келди. Айниқса, ўқитувчининг дарсини бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У шу соатларда бутун қалб қўрини болаларга беради, керак бўлса, илм уммонига шўнгиган ғаввосга ёки бутун вужуди билан ролига сингиб кетган актёрга айланади. Ана шундай пайтда ҳуда-беҳудага ҳалақит берувчилар таълим сифатиға салбий таъсир этиши аниқ.

Германия, Жанубий Корея, Финляндия, Япония каби ўнлаб давлатларда ўқитувчиға бўлган ҳурмат ҳақида кўп ва ҳўб гапирилиди. Бизда-чи? Интернет тармоғида тарқалаётган баъзи видеоматериалларни кўрганимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқиға эғалиғи, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиғи қайд қилинган. Ушбу моддаға асосан таълимға оид қонунлар, фармонлар ва

Бунинг боиси янгиланаётган Ўзбекистонда илм-фан, таълим ва тарбияға тараққиётнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюқ қиладиган куч сифатида қаралмоқда.

Президентимиз эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизға бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқлиғини алоҳида қайд этиди.

Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Ренессансининг тўрт узвий ҳалқаси, деб қаралмоқда. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-иходий зиёлиларимиз эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунини, деб ҳисобланмоқда.



ҳолатлар онда-сонда учраб туради. Лекан шуларнинг ўзи ҳам халқимиз учун уятли бўлган бу воқеаларнинг сабаблари ҳақида ўйлашга ундайди. Оилавий тарбияда фарзандларға ўқитувчиларға нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг етарли сингдирилмаётгани, ижтимоий тармоқларда педагоглар ҳақида негатив ахборот, видеоматериаллар кўпайгани ва улардан бир ёқлама хулоса чиқарилаётгани бу каби ҳолатларға шароит яратмаётганикин, деган ҳаёлларға борасиз...

Хуқуқий пойдевори мустаҳкамланаётган тармок

Биз учинчи Ренессанс пойдеворини яратишини кўзлаган эканмиз, демек, ҳуқуқий асосимиз жуда мустаҳкам, билим ва таърибанимиз янада кучли бўлиши лозим.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқиға эғалиғи, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиғи қайд қилинган. Ушбу моддаға асосан таълимға оид қонунлар, фармонлар ва

бошқа қўллаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шундай бўлса-да, бу моддада мактабгача таълим, олий таълим, хусусий таълим, педагог кадрларнинг маъкеи каби масалалар ҳақида батафсил сўз юритилмаганди.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшларни қар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларини самарали олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиш каби масалаларға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида ушбу мақсадлар ўзининг ҳуқуқий асосиға эға бўлди. Масалан, 41-моддаға “Давлат истеъдодли ёшларнинг моддий ахволидан қатъи назар, таълимни давом эттиришини кафолатлайди” ёки “Давлатта қарашли, хусусий ва бошқа шаклдаги таълим муассасалари ҳамда ташкилотларини ривожлантириш учун давлат тенг шарт-шароитлар яратади”, деган нормалар киритилмоқда.

Эътибор қилинса, биз учун ёд бўлиб қолган ва уағтинга нормадан иборат бўлган 41-модда эндиликда таълимға оид бир неча бандлар билан кенгайтирилмоқда. Унда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришға кўмаклашиши, мактаб ишлари, мактабгача таълим ва тарбия давлат назоратида бўлиши, таълим бўйича алоҳида эхтиёжларға ҳамда индивидуал имкони-

ятларға эға бўлган болалар учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ва тарбия ташкил этилиши белгиланди.

2022 — 2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадларда ҳам бу йўналишға кенг ўрин берилган. Умуман олганда, халқ таълими ва олий таълим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бир-бирини тўлдириб боради. Бугун олийгоҳларда ўқётган талабаларимиз бунгача қаерда тахсил олади, албатта, боғчада, мактабда, лицейда. Шунинг учун ҳам таълимни қўйи бўғиндан, яъни боғчадан бошлаш ислохотларнинг асосини ташкил этиди. Ахир халқимизда “Ёшлиқда олинган билим тошға ўйилган нақш қабиридир” деган гап бежиз айтилмаган.

Эътибор, ғамхўрлик ва мадад

Мактаб — жамиятнинг пойдевори. Бу минбарларда айтиладиган баландпарвоз гап эмас. Бу — айни исбот талаб қилмас ҳақиқат. Жамиятнинг кучи, маъкеи мактабнинг, таълимнинг қудратига боғлиқ. Бу ҳақиқатни рўёбга қилириш учун, биринчи навбатда, ўқитувчининг обрўси ва нуфузини кўтариш лозим.

Шу ўринда яқин тарихда бўлган воқеаларни эсға олмаслиқнинг илоҳи йўқ, Барчамизға яхши аёнки, мактаб ўқитувчилари гўё югурдакка айланиб қолган эди. Пахтани ўтоқ қилиш, йиғим-теримида қатнашиш, катта магистраль йўлларнинг атрофини тозалаш, ҳашар, маҳалла фуқаролар йиғинларининг уйма-уй юриб бажарадиган ишлари — барчаси ўқитувчиларнинг зиммасига тушарди. Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлиб сайланган дастлабки кунларда-ноқ бу мудҳиш “анъана”ға чек қўйди. Қайтаға педагогларнинг обрў-иззатини юқори даражаға кўтарди. Бу эзгу мақсадлар ҳам ўзгараётган Конституциямизда ўз ифодасини топмоқда.

Янгиланаётган Бош қомусимизнинг 41-моддасига “Педагог ходимларнинг мақомини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш жамият ва давлатнинг мақсади ҳамда масъулиятли вазифасидир” деган норма киритилмоқда. Бу халқимизнинг азалий қадрияти, эзгу анъаналарининг тикланишиға ҳуқуқий асос бўлади. Амир

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ЮКСАКЛИККА КЎТАРАДИ



Хамди ТУРСУЖИ,
Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги
элчихонаси матбуот маслаҳатчиси:



— 1992 йилда, мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган ва ўтган даврларнинг кўплаб мафқуравий талабларини ўзида муҳасам этган амалдаги Ўзбекистон Конституциясини жамият тараққиётининг замонавий қарашларига мос равишда янгилашга ақтиёж сезилаётганди.

Қонунчилик кўра, Конституцияга ўзгаришлар киритиш мамлакат парламенти орқали ҳам амалга оширилиши мумкин эди. Бироқ Президент Шавкат Мирзиёев оқил, узоқни кўра билган сиёсатчи бўлгани туфайли умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббусини илгари сурди. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон халқига умумхалқ муҳокамасида иштирок этиб, конституциявий ислохотлар бўйича ўз фикрини билдириш имкониятини берди.

Конституция давлат бошқаруви тизимини марказлаштириш, ҳудудларнинг мустақиллигини ошириш, жумладан, ички ва хорижий инвестицияларни рағбатлантириш соҳасида ҳам мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Янги Ўзбекистоннинг барпо этилишида ҳал қилувчи омиллардан бири унинг дунёга

очиқлигидир. Кейинги йилларда мамлакатнинг янгиланган ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Айни пайтда минтақада ва бутун дунёда вазият тез ўзгармоқда, бу эса Ўзбекистон ташқи сиёсатини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Минтақадаги мавжуд ижобий тенденцияларни, Марказий Осиёда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликнинг узлуksиз ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги асосий вазифа минтақани хавфсиз, барқарор ривожланиш, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудига айлантиришдан иборат. Ўзбекистон Конституциясига киритиш тақлиф этилаётган ўзгаришлар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг боришини ўзида акс эттиради, шунингдек, улар ислохотларнинг янги йўналишлари мустаҳкамланишини ҳам назарда тутди.

Ўзгаришларда асосий эътибор “инсон ҳуқуқлари”, “ижтимоий сиёсат” ва “фуқаролик жамияти” каби тушунчаларни ҳуқуқий томондан янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон етакчисининг ислохотчилик сиёсатини давом эттиришга қаратилган, деб ўйлайман. Ишончим комилки, бу ислохотлар Ўзбекистоннинг халқорай майдондаги имижини янада мустаҳкамлаш, мамлакат ичкарида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мушфи ЖАФАРОВ,
Озарбайжон Миллий Мажлиси депутати:



— Озарбайжонда қардош Ўзбекистондаги конституциявий ислохотлар билан боғлиқ жараённи катта қизиқиш билан кузатишмоқда. Мамлакатда Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтгани, унда фуқароларнинг фаол иштирок этганининг ўзи эътиборга молик. Мақсад — фуқаролик жамияти сари одимлаш. Бу Ўзбекистонда фуқаролар ва халқ манфаатлари ҳисобланади.

Умид қиламанки, ушбу сайёҳаракатларнинг барчаси истиқболда Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона ва қардошлик муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Айни пайтда ҳамкорлигимиз учун умумий асос, мустаҳкам пойдевор мавжуд.

Ўзбекистон Конституциясига киритиш тақлиф этилаётган ўзгаришлар келгусида шахс ва фуқаро мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган. Чиндан ҳам, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун туради. Маскур тамойил биз, озарбайжонликлар учун ҳам гоят муҳим ҳисобланади.

Нишант БАЖАЖ,
Ҳиндистоннинг «Практика» шиғоҳонаси таъсисчиси:

— Ўзбекистон Конституцияси 30 ёшга тўлмоқда. Ўтган йиллар ичида мамлакатда замонавий технологиялар, фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича улкан ўзгаришлар рўй берди.

Эътиборли шундаки, Ўзбекистон Президентини ҳукумат ва қолатларини кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамаси ва ҳокимликларнинг экология, ёшлар, оила, кўлаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоат транспортини ривожлантириш, аҳолининг дам олиши учун зарур шaroитлар яратиш, фуқаролик жамияти институтларини кўлаб-қувватлаш бўйича масъулиятини Конституцияда белгилаш лозимлигини таъкидламоқда. Ўзбекистон халқининг ҳам



Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар мамлакат суверенитетини, давлатнинг ижтимоий моҳиятини тобора мустаҳкамлаб боришига ишончи комил. Бинобарин, муҳокамага қўйилган кўлаб тузатишлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган, ҳаёт сифати яхшиланишига хизмат қилади.



Руслан ИЗРЕКОВ,
Қирғизистон Марказий сайлов комиссияси аъзоси:



— Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатнинг янада ривожланиши учун асосий омил бўлган дунёвий демократик жамият барпо этиш йўлида прагматик қадамлар ташламоқда. Қирғизистон ўзининг энг яқин қўшниси сифатида сўнгги йилларда, жумладан, коронавирус пандемиясининг оғир даврида қирғиз халқига катта ёрдам кўрсатган кучли Ўзбекистонни қўришни истайди.

Ўзбекистон Конституциясига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, мамлакат аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга

қаратилган. Кўпгина демократик мамлакатларда ҳам кузатилаётган давлат органлари фаолиятининг шакл-фосфлиги омили бунда муҳим аҳамият

Алмаз АБИЛДАЕВ,
эксперт (Қозоғистон):



— Ўзбекистонда муҳокама қилинаётган Конституциявий қонун лойиҳаси Қозоғистон жамоатчилиги фаолларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Дарҳақиқат, мамлакат тараққиётини юқори суръатларда давом эттириш, ижтимоий ҳимояланган ва эркин фикр-

ловчи замонавий авлодни тарбиялаш учун мустаҳкам қонуний пойдевор қўйиш замона талабига айланмоқда.

Эътиборлики, Ўзбекистон Бош қомусининг янги лойиҳасида асосий урғу аҳолини ижтимоий кўлаб-қувватлаш ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган. Ушбу лойиҳада “Инсон қадри” тушунчаси ва уни Асосий Қонунга муҳрлашга устувор аҳамият берилмоқда.

Қайд этилганидек, инсонни қадрловчи ижтимоий давлатда аҳоли турмуши учун зарур бўлган ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминлаш, мажбурий меҳнатга чек қўйиш муҳим роль ўйнайди. Шу мақсадда Ўзбекистон

етақчиси аҳоли уй-жойларининг ноқонуний бузилиши ҳолатларига бутунлай барҳам бериш учун фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлигини кафолатлаш, аҳолининг барча қатламлари уй билан таъминлаш бўйича давлат мажбуриятларини мустаҳкамлашнинг тақлиф этмоқда.

Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан чет элда яшаётган ва иш-лаётган фуқаролар ҳамда ватандошлар билан мунтазам алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ҳақида давлат гамхўрлик қилишига оид алоҳида норма киритиш тақлиф этилди. Бу каби конституциявий меъ-

ёнинг қабул қилиниши чет элдаги Ўзбекистон фуқароларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий кўлаб-қувватлашга ҳуқуқий асос бўлади.

Маълумки, Қозоғистон ва Ўзбекистонни кўлаб умумий жиҳатлар боғлаб туради. Ўртингизда янги Ўзбекистон барпо этилаётган бўлса, Қозоғистонда ҳам янги Республика шiori остида ислохотлар олиб боришмоқда. Икки давлат раҳбарлари ҳам аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш авлодни тарбиялаш ва етук кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шак-шубҳасиз, Ўзбекистонда кутилётган конституциявий ўзгаришлар халқ манфаатларига хизмат қилади.

Макс СЕЙ,
«Kingsley Strategic Institute» ижрочи директори:

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилиб, Марказий Осиёда, қолаверса, ривожланаётган давлатлар орасида янги порлок юлдуз бўлиб дунёга донг тарата бошлади. Ушбу ислохотлар натижасида Ўзбекистон қанчалик жадал суратларда ўзгариш, янгилашиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Нафақат марказий шахрлар ва кўҳна қадамжолар, балки кичик шахр ва туман марказларида ҳам сезиларли ўзгаришлар шиддат билан ҳаётга татбиқ қилинаётганини эътироф этмоқчиман.

Энг муҳими, ўзбекистонликлар ўз келажагига юксак ишонч билан қарамокда, тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буларнинг бар-

Гўзал МАИТДИНОВА,
Тожикистон Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори:



— Тожикистон ва ўзбек халқлари биргаликда, бир-бирини кўлаб-қувватлаб, минг йиллар давомида тарихий йўлни босиб ўтган абадий қардошлардир. Биз яхши қўшничилик ришталарига муносиб бўлиб, мамлакатларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги жараёнларни диққат ва катта қизиқиш билан кузатиб борамиз.

Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг асосий мақсади фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати, халқ манфаатини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат, деб ўйлайман. Бундай амалиёт барча мамлакатларда мавжуд ва маълум бир жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техник ва бошқа қатор ҳаётини ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Конституция оддий ҳужжат эмас, аксинча, у давлатнинг энг олий ҳуқуқий қонуни бўлиб, жамият тараққиёти билан унга

қўшимча ва ўзгаришлар киритиш зарурати юзага келади. Ўзбекистон Президенти 1992 йилда амалдаги Асосий Қонунни ишлаб чиқишда иштирок этган комиссия аъзоси сифатида Конституция мустақиллик йилларида эришилган барча ютуқлар учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилганини таъкидлади. Президент Шавкат Мирзиёевга ва қардош ўзбек халқига ўз мақсадларига эришишда муваффақият тиламан.

Жумамират ГУРБАНГЕЛДИЕВ,
Туркменистон Халқорай муносабатлар институти директори:

— Ўзбекистон нафақат ёш суверен давлат, балки ёшлар давлати ҳамдир. Чунки мамлакат аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Албатта, бу катта бойлик. Бироқ бундай салоҳиятни фақат ривожланган таълим тизими билан амалга ошириш мумкин, у ҳозирги пайтда сезиларли ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, ушбу муаммо бўйича кенг кўламли мунозаралар олиб боришмоқда, глобаллашувнинг замонавий муаммолари шароитида миллий таълим тизимларини ривожлантиришнинг янги сценарийлари ва уларни дунёвийлаштириш стратегиялари изланмоқда.

Шу боис мамлакатнинг Асосий Қонунини янги Ўзбекистон яратувчилари бўлган ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, қонуний манфаатларини ҳар томонлама кўлаб-қувватлашнинг долзарблиги алоҳида таъкидланган. Бундан ташқари, Ўзбекистондаги оилавий қадриятлар, мактабга таълим, мактаб ва олий таълим соҳалари, шунингдек, илмий ва маданий муассасалар унчинчи Ренессанс даврининг энг муҳим бўғинлари, мустаҳкам устунлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Конституциясига киритилаётган ўзгаришларда иқтидорли ёшларни доимий тарзда давлат томонидан кўлаб-қувватлаш зарурлигини мустаҳкамлаш бўйича тақлиф этилаётган “Давлат истеъдодли ёшларга молиявий аҳолидан қатъи назар, ўқилиш давом эттиришга кафолат беради”, деган нормани алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ноёб инновацион конституциявий норма, албатта, давлатнинг интеллектуал элитасини шакллантиришга, самарали инсон ресурсларига ва давлатнинг барқарор, диномик, инновацион ривожланишига ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшади.



циясига тегишли ўзгаришлар киритиш жараёнини бошлади. Демак, халқ бунга тайёр ва ўз иродаси ўлароқ янгиликларни хошламоқда. Бунини Ўзбекистон жамияти фуқаролик ва халқ демократиясидан кенг фойдалана бошлаганининг аломати, деб биламан. Бағрикенг ва меҳмондўст Ўзбекистон халқига ушбу туб ислохотларни самарали амалга оширишида омад тилаб қоламан.

А. СОЙИБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 23 960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун бўлуни расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 05.00 Топширилди — 06.10 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши